

**Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан 2024 йилда амалга
оширилган ишлар тўғрисида**

МАЪЛУМОТ

1. Боғдорчилик ва узумчилик бўйича

Республикадаги **28,3 минг** та фермер хўжаликларида **249,1 минг** гектар мевали боғ ва **13,9 минг** та фермерларнинг **125,8 минг** гектар узумзорлари хатловдан ўтказилди.

Бунинг натижада **58,6 минг** га ёш боғ, **22,7 минг** га яроқсиз боғ, **33,4 минг** га кам ҳосилли, **112,4 минг** га ҳолати яхши ва ўрта, **21,9 минг** га намунали **боғлар**;

Шунингдек, **33,3 минг** га ёш ток, **15,5 минг** га яроқсиз, **9,4 минг** га кам ҳосилли, **61,1 минг** га ҳолати яхши ва ўрта, **6,5 минг** га намунали юқори ҳосил берадиган **узумзор** майдонлари аниқланди.

Шу билан бирга **44,4 минг** га боғ майдонлари ва **15,3 минг** га узумзорларда томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган.

Республикада фаолият юритиб келаётган жами **51 та** мевали ва узум кўчатларини етиштирувчи хўжаликлар реестри шакллантирилди.

Янги боғ ва токзорлар барпо этиш:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги “Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизмларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва токзорларни барпо қилишнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-151-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-344-сон қарори билан 2024 йил куз ойларида **14 минг** гектар майдонда саноатлашган интенсив боғлар барпо этиш топшириғи берилган.

Ушбу топшириқнинг ижросини таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан 2024 йил куз ойларида янги боғ ва токзорлар барпо этиш учун жами **37,3 минг** гектар шундан, **17,3 минг** гектар мевали боғ ва **20 минг** гектар узумзор барпо этиш таклифлари берилган.

Янги боғ ва токзорларни барпо этиш учун **15 млн** дона мевали кўчатлар ва **24,8 млн** дона ток кўчатлари талаби ҳисоб-китоб қилинган.

Ҳудудларда 2024 йил куз мавсумида жами **24 минг** гектар шундан, **14,8 минг** гектар мевали боғ ва **9,2 минг** гектар узумзор барпо этилди.

Жумладан барпо этилган **24 минг** гектар боғ-токзорларнинг **14 минг** гектар (**11 минг** гектар интенсив мевали боғ ва **3 минг** гектар узумзорлар) саноатлашган боғ-токзорларни ташкил қилади.

Маълумот учун: **14 минг** гектар боғ-токзорларнинг **8 минг** гектари тоғ-олди, қир-адирликларда, **6 минг** гектари самарасиз ва эскирган боғ-токзорлар ўрнида барпо этилди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида **200 гектар**, Андижонда **800 гектар**, Бухорода **500 гектар**, Жиззахда **1200 гектар**, Қашқадарёда **700 гектар**, Навоийда **300 гектар**, Наманганда **3000 гектар**, Самарқандда **2200 гектар**, Сурхондарёда **800 гектар**, Сирдарёда **500 гектар**, Тошкентда **1500 гектар**, Фарғонада **2000 гектар** ва Хоразмда **300 гектар**.

Кўчатчиликка ихтисослашган **51 та** хўжаликларида бугунги кунда **22,9 млн** дан ортиқ мевали ва узум (**9,8 млндан ортиқ мевали ва 13,0 млн** узум) кўчатлари етиштирилмоқда.

Шунингдек, республика бўйича жами **15 та “in vitro”** лабораториялари мавжуд бўлиб, шундан жорий йилда **8 та** лабораторияда **1,5 млн** дона мевали ва узум кўчатлар етиштирилмоқда.

Бироқ, **7 та** лабораторияларда айланма маблағи мавжуд эмаслиги ва мутахассислар етишмаслиги сабабли фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

Янги боғларни барпо этиш учун жойлардан берилган таклифлари асосида фермер хўжаликларига Агентлик томонидан техник иқтисодий асослар ва техник шартлари ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда.

Яроқсиз боғларни янгилаш:

Республика бўйича жами **29,7 минг** гектар яроқсиз ва самарасиз боғ ва **21,3 минг** гектар узумзорлар мавжудлиги аниқланган бўлиб, шундан жорий йил куз ойида **10,4 минг** гектари боғ ва **7,1 минг** гектар яроқсиз тоқзорлар бузилди.

*Мисол учун: **2,5 минг га** ўрик, **3 минг га** олма, **1,3 минг га** шафтоли, **906 га** олхўри, **598 га** гилос, **359 га** олча, **925 га** бодом, **511 га** ёнғоқ, **106 га** анор, **91 га** нок ва **77 га** беҳи боғлари ҳамда **5 минг га** хўраки, **1,5 минг га** кишмишбоп, **607 га** саноатбоп тоқзорларда бузиш ишлари амалга оширилди.*

Боғ ва тоқзорларда агротехник тадбирлар:

Мевали боғ ва узумзорлардан юқори ҳосил олиш, куз-қиш мавсумида зарурий **агротехник тадбирларнинг** ўтказилиши, шунингдек, совуқ таъсир қиладиган **узум, анжир ва анор** каби мевали дарахтларни кўмиш ишларини соҳа олимлари, мутахассислари тегишли ташкилотлар ҳамда фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан биргаликда тизимли ишлар амалга оширилди.

269,5 минг га боғларда (100%) қатор ораси ҳайдалган, **268,1 минг га** (99%) шакл берилган, **268,3 минг га** (100%) касалликлар ва зараркунандаларга қарши ишлов берилган, **253,8 минг га** (94%) маҳаллий ва **260,1 минг га** (96%) минерал ўғитлар билан озиқлантирилган, **201,8 минг га** (75%) майдони суғорилди.

123,2 минг га тоқзорларда (87%) қатор ораси ҳайдалган, **140 минг га** (99%) кесилган, **139,4 минг га** (98%) касалликлар ва зараркунандаларга қарши ишлов берилган, **117,8 минг га** (83%) маҳаллий ва **137,9 минг га** (97%) минерал ўғитлар билан озиқлантирилган, **91,7 минг га** (65%) майдони суғорилган ва кўмилиши лозим бўлган **107,4 минг га** (100%) тоқни кўмиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, барча берилган вазифаларни ўз муддатида сифатли бажарилишини таъминлаш паст ҳосилли пахта-ғалла майдонлари, самарасиз боғ-тоқзорлар ўрнида ва қир адирлик ерларга янги боғ ва тоқзорлар барпо этиш юзасидан **Республика штаби** ташкил этилиб, кунлик мониторинг юритилмоқда.

2. Иссиқхона хўжаликлари бўйича

Республика ҳудудларидаги жами **3 524 та** фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналардаги **6 191 гектар** майдонларда иссиқхона хўжаликлари мавжуд бўлиб, шундан **3 286 та 5 442 гектар** (*гидропоника усулида 258 та 888 гектар ва тупроқ усулида 3 028 та 4 553 гектар*) ер майдонлардаги иссиқхона хўжаликлари фаолият юритиб келган.

Мазкур иссиқхона хўжаликларини 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда барча қишлоқ хўжалиги ва фермер хўжалигидаги **иссиқхона хўжаликлари хатловдан (инвентаризация) ўтказилди ва барча иссиқхоналарнинг паспортлари шакиллантирилди.**

Ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра ҳудудларда бугунги кунда **3 015 та** иссиқхона хўжаликларидаги **5 120 гектар** иссиқхоналар фаолиятда эканлиги аниқланди.

Шунингдек, фаолият юритиб келаётган **3 015 та 5 120 гектар** иссиқхона хўжаликларининг **205 та 835 гектари** гидропоника усулида ва **2 810 та 4 285 гектари** тупроқ усулида фаолият олиб бормоқда.

Ушбу иссиқхона хўжаликларининг **949 таси 2 349 гектари** табиий газда ва **1 195 та 1 644 гектари** кўмир билан иситиш тизими мавжуд бўлиб, **678 та 775 гектари** иситилмайдиганлар ҳамда **193 та 351 гектари** бошқа иситиш тизимидан фойдаланиб келинмоқда.

Шу билан бирга, 2024-2025 йиллар куз қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида, иссиқхона хўжаликларининг газ ва кўмирга бўлган талабларини аниқлаш мақсадида ҳар бир иссиқхона хўжаликлари билан алоқа ўрнатилди. Унга кўра **1 644 гектар** майдонида фаолият олиб бораётган **1 195 та** иссиқхона хўжаликларига **398,6 минг тонна** кўмир ёқилғиси талаб этилиши аниқланди.

Мазкур кўмир ёқилғисининг **122,9 минг тоннасини** Қозоғистон давлатидан, **158,2 минг тоннасини** Қирғизистон давлатидан ва **117,5 минг тоннасини** маҳаллий кўмир етказиб берувчилардан харид қилиш режалаштирилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари 2024-2025 йиллар куз-қиш даврида **2 349** гектар майдондаги **949 та** иссиқхона хўжаликларига жами **300 млн³** метр табиий газга бўлган талаби аниқланди ва мазкур талаб этиладиган табиий газларни ўз вақтида етказиб бериш мақсадида уч томонлама шартномалари имзоланган.

Шунингдек, республика ҳудудларида фаолият олиб бораётган иссиқхона хўжаликлари томонидан мавсум даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида **1 345 гектар** майдондаги иссиқхона хўжаликлари фаолияти учун **344,8 млрд сўм** айланма маблағларига талаби мавжудлиги маълум бўлди.

Мазкур талаб этиладиган айланма маблағларни ажратилиши юзасидан Республика Марказий банкига ҳамда тижорат банкларига маълумотлар тақдим этилди.

Шу билан бирга 2024 йил якунига қадар республика ҳудудларида етиштирилаётган иссиқхона хўжаликларида жами **420 минг тонна** шундан, сентябр-декабрь ойларида **122 минг тонна** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, амалда жами **392,4 минг тонна** шундан январ-июн ойларида **291,8 минг тонна** сентябр-декабрь ойларида **100,6 минг тонна** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ овқат саноатига хизмат кўрсатиш бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 17-феврал куни Бухоро вилоятига ташрифи якунлари бўйича 11-сонли баёнининг **54.3-банди**га асосан маҳаллаларда мева ва сабзавотни қайта ишлаш, ҳамда сақлаш қувватларини ишга тушириш бўйича Бухоро вилоятида **70 та** кичик совутгичли омборхоналар қуриш режалаштирилган бўлиб, амалда **72 та** қуввати **4 минг 734 тонна** маҳсулотлар сақланишига мўлжалланган омборхоналар қурилди. Шундан **14 та 5** тоннадан **20 тонна**гача сиғимли омборхоналар ҳамда **20 тонна**дан **50** тонналик **58 та** совутгичли омборхоналар қурилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 4-мартдаги ПҚ-109-сон қарори ижроси юзасидан “Озиқ-овқат саноати” корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашни амалга ошириш бўйича Ишчи гуруҳи тузилиб, жойларга чиққан ҳолда ўрганилди.

Унга кўра озиқ-овқат саноати корхоналарининг амалдаги қуввати, энергия таъминотида мавсумий талаби, технолог мутахассисларнинг мавжудлиги, хомашё базаси етарлилиги, асбоб-ускуналари моддий ва маънан эскирган технологияларни модернизация қилиш ва қувватлардан фойдаланиш даражалари ўрганилиб, мавжуд муаммо-таклифлари бўйича амалий кўрсатмалар берилди.

Ўрганишда аниқланган корхоналарнинг мавжуд муаммо ва таклифларини ҳал этиш учун Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари билан доимий мониторинг асосида ишлар олиб борилиб, амалга оширилган ишлар бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 16-февралдаги ПФ 36-сон Фармон 4-илова, 19-банди ва 5-мартдаги ПҚ 115-сон қарор **5-банди**га асосан мева-сабзавотчиликка ихтисослашган **51 та** туманда мева сабзавот маҳсулотларни шок усулида музлатишни йўлга қўйиш мақсадида **2025-2026 йилларда** шок усулида музлатиш лойиҳасини амалга ошириш истаги мавжуд **77 та** ташаббускорлар рўйхати шакллантирилди ва улардан **34 таси** саралаб олинди.

Шу билан бирга, республика ҳудудларида **2024-йилда** такрорий майдонларда етиштириладиган жами **3,6 млн** тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига фьючерс шартномалари тузилиши ташкил этилди.

Шундан **1,7 млн** тонна бозорларга, **216 минг** тонна қайта ишлаш корхоналари, **337 минг** тонна экспортёр корхоналар, **412 минг** тонна тайёрлов (музлаткичлар, омборхоналар) ҳамда **597 минг** бошқа ташкилот ва тадбиркорлар билан шартномалар тузилишида қўмаклашилди.

4. Субсидия ва ссуда маблағлари бўйича

Агентлик жамғармаси томонидан 2024 йилда **65 та** тадбиркорлик субъектларига **11 306 млн.сўм** субсидия маблағлари ажратилди.

Ушбу маблағларнинг **3 704,5 млн.сўми 492,4 гектар** ер майдонида томчилатиб суғориш тизимлари учун, **3 636,0 млн.сўми 33 дона** қудуқ/насос станцияларини қазиш ва уриш учун, **2 412,7 млн.сўми 519 479 дона** кўчат хариди учун, **1 038,2 млн.сўми** боғзорлар ва узумзорларда ўрнатилган **69 209 дона** шпалер устунлари учун ва **745,5 млн.сўми 2 485 сотих** лимонзорлар учун ҳамда **21,0 млн.сўми 1 дона** муқобил энергиялар учун субсидиялар ажратиб берилди.

Шунингдек Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига (ПҚ-225-сон 27.04.2022й) 12 ой муддатга, шу жумладан 11 ойлик имтиёзли давр билан йиллик 10 фоиз ставкада 2022 йилда **300 млрд сўм** ва 2023 йилда **120 млрд сўм** жами **420 млрд сўм** бюджет ссудаси ажратилган.

Мазкур маблағлар доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағлар учун 12 ой муддатга йиллик **14 фоиз** ставкада **64 та** тадбиркорларга **444 млрд сўм** (24 млрд сўми қайта молиялаштирилган) ажратилган.

2022-2023 йилларда тадбиркорларга ажратилган бюджет ссудаси Агентлик томонидан етарли даражада мониторинг қилинмаганлиги, тартибсиз равишда маблағлар ажратилганлиги сабабли қарз маблағларидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланилганлиги сабабли қарз маблағлари ўз муддатида қайтарилмаган.

Бугунги кунда ажратилган ссуда маблағларининг **140,0 млрд сўми** прокуратура депозит ҳисоб ундирилган ҳамда бюджет ғазна ҳисобига **153,4 млрд сўм** ссудаси қайтарилди. Шунингдек тадбиркорларда ҳозирги кунда **229 млрд сўм** қарздорлик мавжуд.

Ҳозирда тўғридан-тўғри ссуда маблағларини ажратиш тўхтатилган ва тегишли равишда давлат органлари орқали ажратилган ссуда маблағлари маблағлар қайтарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 октябрдаги ПҚ 387-сонли қарори доирасида **50,0 млрд сўм** бюджет ссудаси Агентлик томонидан “Агробанк”га ресурс сифатида жойлаштирилган.

“Агробанк”дан Агентликка **30,9 млрд сўм** ундирилган бўлиб, ушбу маблағ бюджет ҳисобига қайтарилди ҳамда **21,8 млрд сўм** прокуратура депозит ҳисоб-рақамига ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 октябрдаги ПҚ-387-сонли қарори доирасида Экспортни қўллаб-қувватлаш агентлиги томонидан **10,0 млн доллари** маблағлар Агентлик орқали **18 та** қайта ишловчи ва экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағлар учун йиллик 4 фоиз ставкада **12,5 млн доллари** (шундан **2,5 млн доллар такрор**) қарз маблағлари ажратиб берилган.

Бугунги кунда Экспортни қўллаб-қувватлаш агентлигига фоиз ва пеня билан биргаликда ҳисобланган умумий қарздорлик жами **10,6 млн долларини** ташкил қилиб, шундан, Экспортни қўллаб қувватлаш агентлигига **1,3 млн долларини** ссуда қайтариладиган бўлиб **9,3 млн доллар** қийматида қарздорлик мавжуд.

Шунингдек ҳозирда **800 минг доллари** прокуратура депозит ҳисоб-рақамига ундирилган.

Жамғарма ҳисобидан корхоналарга қисқа ва узоқ муддатли (1 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга) Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган фоиз ставкасида **266,0 млрд сўм** қарз маблағлар ажратилган, ҳозирги кунда асосий қарздан **252,0 млрд сўм**, фоиздан **58,1 млрд сўм** жами **310,1 млрд сўм** дебитор қарздорлик мавжуд. Шундан, муддати ўтган қарз асосий қарз маблағлари **61,1 млрд сўм**, фоиз маблағлари **50,8 млрд сўм**.

Муддатида тўланмаган қарздорликлар бўйича Иқтисодий судларга юборилган даъво аризалари сони **19 та** (5 та ариза 27,3 млрд сўми суд жараёнида), **14 таси** (37,4 млрд сўм) суд қарорлари тугатилиб мажбурий ижрога қаратилган.

Тижорат банкларига ажратилган молиявий ресурслар тўғрисида 2019-2022 йилларда саноатбоп ўзумчилик ва виночилик, янги турдаги алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маркетингда “ноу-хау” билан боғлиқ бўлган илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун жами **6 та** (АТБ “Агробанк” **16,7 млрд сўм**, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” **5 млрд сўм**, “Асакабанк” АТБ **15,1 млрд сўм** “Савдогарбанк” АТ **5 млрд сўм**, “Халқ банки” АТБ **12 млрд сўм**, “Туронбанк” **0,5 млрд сўм**) тижорат банкларига ресурс сифатида **54 млрд сўм** маблағ жойлаштирилган, ҳозирги кунда **18,7 млрд сўми** қайтарилган, қолдиқ **27,0 млрд сўм** график асосида қайтарилмоқда.

Жамғарма маблағлари ҳаракати бўйича 2024 йил 1 январь ҳолатига жамғарма маблағи қолдиғи **141,2 млрд сўм**, жорий йил январь-ноябрь ойларида даромад **36,0 млрд сўм** маблағ ўндирилди, **25 млрд сўм** харажат қилинган (шундан, янги ташкил этилган Алкоголь инспекцияга 25 млрд сўм), 2024 йил 1 ноябрь ҳолатига қолдиқ **152,8 млрд сўм**.

Жами жамғарманинг умумий пакети бўйича маблағлар миқдори **489,2 млрд сўм** (шахсий ғазначилик х/в 152,8 млрд, тижорат банкларида 27,0 млрд сўм, дебитор қарзлар 310,1 млрд сўм)